



ТОШКЕНТ О'QSHO'J'

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 35 (9.685) 2002 йил 27 март, чоршанба

Сотувда эркин нархда



Президент марказ фаолияти билан танишди

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Тошкентдаги Республика шошилинич тиббий хизмат илмий маркази ана шу ислохотлар самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 26 март куни ушбу муассаса фаолияти билан танишди.

2002 йилга келиб, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида кучли салоҳиятга эга янги тузилма шаклланишининг дастлабки босқичи ниҳоясига етди. Бу даврда, жумладан, шошилинич тиббий ёрдам хизмати-нинг барча бўғинлари учун даволаш-диагностика ва жиҳозлаш бўйича ан-дозалар ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Республика «Шошилинич тиббий ёрдам» илмий маркази иш бошлагани мамлакатимизда тиббиётнинг ушбу соҳасини янги босқичга кўтариш борасидаги улкан қадам бўлди. Санитария авиацияси ва «Тез ёрдам» хизматини бирлаштирган бу муас-саса мамлакатимиздаги мазкур соҳа-ни тўла қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Марказда амалга оширилган бу-нёдкорлик ишларида 4 миллиард сўмдан ортқ маблағ сарфланди. Шинамлиги ва қулайлиги кўра, у халқаро андозаларга мос. Бу ерда дунёнинг энг тараққий этган мам-лакатларида ишлаб чиқарилган, юқори технологияга асосланган тиб-биёт ускуналари ўрнатилган. Тиббий жиҳозларни харид қилишга Испания ҳукуматининг 10 миллион евро миқ-доридagi кредити ва Япония ҳуку-матининг 7 миллион АҚШ долла-

рига тенг гранти ажратилган.

Марказда тиббиётнинг диагностика, жарроҳлик, нейрорроҳлик, травматология, реанимация каби бар-ча соҳалари мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг 12 филиали, туман ва шаҳарларда 171 бўлими очилган. Ушбу тизимни йўлга қўйиш жараёнида соҳа мутахассисла-рини тайёрлаш ва малакасини оши-ришга катта эътибор қаратилди. Ши-фокор ва ҳамшираларнинг аксария-ти АҚШ, Япония, Германия каби мамлакатларда малака оширди.

Марказда бирийўла 755 бемор даво-ланиш имконига эга. Ҳар бир бемор-нинг аҳволи марказлаштирилган ти-зим орқали кузатиб турилади.

Ислон Каримов марказ фаолияти билан танишар экан, кўйидагилар-ни алоҳида таъкидлади:

— Мавжуд замонавий техникани ишлата оладиган мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор бериш ке-рак. Чунки жиҳоз ҳар қанча замона-вий бўлмасин, самарали ишлатилма-са, фойдаси кам бўлади. Шу билан бирга, ушбу марказ шошилинич тиб-бий ёрдамни илмий ташкил этиш асосларини ишлаб чиқиши, мавжуд ютуқ ва камчиликларни чуқур таҳлил этиб бориши лозим.

Президентимиз мутасадди идора-

лар раҳбарларига ривожланган хори-жий мамлакатларда мазкур соҳа му-тахассисларининг малакасини мутта-сил ошириб боришга қаратилган мах-сус дастур ишлаб чиқиш вазифаси-ни топширди.

Президентимиз мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаёт-ган тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурининг биринчи босқичи ниҳоясига етаётганини таъ-кидлади. Бу дастурда халқимизга хос миллий хусусиятлар инобатга олин-

ган. Тиббиётда пуллик хизмат кўрса-тиш босқичма-босқич амалга оши-рилиши назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари беморларни қабул қилиш, уларга ёрдам кўрса-тиш жараёни билан танишди. Ислон Каримов марказ ходимлари билан суҳбат чоғида муассаса фаолиятини янада такомиллаштиришга оид фик-рлар билдирди.

Анвар КАРИМОВ,
Ўза мухбири.
Абдувоҳид Тўраев (Ўза)
олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадларини янада оши-риш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучай-тириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бюджет муассаса-лари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча тур-даги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юр-тлари талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юр-тлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Рес-публикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 3945 сўм;
ёшга доир пенсия — ойига 7800 сўм;
ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) раз-ряд — ойига 3945 сўм;
болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 7800 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда ме-хнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 4725 сўм миқдориди белгилансин.

3. Белгиланган бўлиши, иш ҳақига қўшилидиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсия-лар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналар-га, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширила-ди.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижти-моий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вило-ятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молия-ланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда маз-кур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдори-ни ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминлансинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимлари-нинг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларининг оши-рилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюд-жети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисоби-дан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан бир-галикда 2002 йилги Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларига тегишли туза-тишлар киритсин.

6. Ҳўжалик ҳисобидига қорғона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фонднинг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини оши-риш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 2002 йил 1 апрелдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фар-монда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширилсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 29 июндаги ПФ-2893-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 26 март.

ҚИСҚА сатрларда

□ **ХАЛҚАРО** бизнес мар-казида бўлиб ўтган тақди-мот маросимида Япония билан ўрнатилган ҳамкор-лик натижасида пойтахти-миздаги мактабларни таъмирлашга Япония ҳуку-мати томонидан грант шартномаси асосида маб-лағ ажратилганлиги маълум қилинди.

□ **БЕКТЕМИР** туманидаги марказий кутубхонада Ка-рирларни кадрлар йилги-га бағишлаб ўтказилган «Маҳалла — қадриятлар ўчоғи» мавзuidaги давра суҳбатида Миришкор ма-ҳалласи фахрийлари фаоллари иштирок этиш-ди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг иқтисоди-ёт институтида олимлар

иштирокида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш-да иқтисодиётни эркинлаш-тириш масаласига бағиш-ланган симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиум материал-лари эса китоб ҳолида чоп этиладиган бўлди.

□ **ШУНИНГДЕК**, Фанлар академиясининг тарих ин-ститути олимлари томони-дан яратилган ўзбек халқи тарихи ва давлатчилигига оид 18 та рисола халқимиз эътиборига ҳавола этилди.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДА** мил-лийликни янада кенг тарғ-ий этиш мақсадида Нафи-са Содиқова томонидан ёзилган «Ўзбек миллий кий-имлари» китоби нашр этил-ди.

□ **«2-МУРУВВАТ»** уйда шифокорлар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда но-гиронларнинг реабилита-цияси масаласи ҳақида сўз борди.

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ



боғча, 39-поликлиника, но-вовойхона, сартарошхона ишчи-хизматчилари ҳам обо-донлаштириш ишларида ба-жонидил иштирок этиб, ўз ҳудудларини ораста, саран-жом-саришта қилишга бел

боғлаганлар. Бизнинг ша-харда ўтказилаётган «Энг обод маҳалла» кўрик-танло-вида иштирок этиш ва голибликни кўлга киритиш ниятимиз бор.

(Ўз мухбиримиз)

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Муҳаммадқодир яна голиб

Маълумки, ўзбек бокси тарихидаги энг кў-ли чарм кўлқоп усталарида бири — ҳавас-корлар ўртасида олимпиада ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатларининг голиби Муҳаммадқодир Абдуллаев 2000 йилги Атлантадаги юксак савабдан сўнг профессионаллар са-фига ўтганди. Боксининг ушбу янги оламида ҳам Муҳаммадқодирнинг галаболари юришлари давом этмоқда.

Мохир чарм кўлқоп устамиз шу пайтгача ўзи-нинг профессионал рингдаги бешта учрашу-видан тўрттасини олдиндан яқуллаб муҳлис-лари олқишига сазовор бўлди.

Нихоят Муҳаммадқодир кўни кеча АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ўзининг навбатдаги рей-тинг беллашувини ўтказди. Бу гал АҚШ ваки-ли Хисус Сантьяго билан кечган бахсда ҳам тўрттинчи раундда нокаутга эришган юртдо-шнинг ўзининг навбатдаги рейтинг очкола-рини кўлга киритди.

(Ўз мухбиримиз)

Эзгу ниятда

Юртимизда фусункор баҳор насими эсаётган, яша-риш ва яшатиш айёми — Наврўзи олам шодиёналари кезаётган шу кунларда қайга борманг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб бори-лаётганининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Шайхонтоҳур туманида жойлашган Хувайдо маҳалла-сида ҳам ёшувари баҳамжи-хатлик билан ободонлашти-риш, тозалаш, атроф-муҳит-ни покза, саранжом-сариш-та қилиш ишларини бажа-ришмоқда.

— Халқимиз миллий кадри-ятларимиз гултожи бўлмиш Наврўзи олам кунларида ободонлаштириш ва ораста-лаш ишларини амалга оши-риши яхши одат тусига кир-ган, — дейди Хувайдо маҳал-

ласи оқсоқоли Фотиҳ Аска-ров. — Бизда ҳам маҳалла аҳли биргаликда ҳовлию кўчаларни тартибга келтириб, дарахтларни оқлаб, буталаб, шакл бериб, тагини юмшатиб, маҳалла идораси, кўчалари-мизга анвойи атиргуллар, меваги ва манзарали дарахт кўчатини ўтказяпмиз. Режа асосида ҳашарлар уюштири-либ, ариқлар, зовурлар тоза-ланди, йиғилган чиқиндилар олиб чиқиб ташланди. Худу-димиздаги 169-мактаб, 343-

пов каби кўплаб тажрибали ва фи-дойи мураббийларнинг заҳматли фаолияти ётибди.

БУГУН

Республика олимпия заҳиралари коллежида баҳор ва янгиликни бай-рами, Қарияларни кадрлар йили ва мазкур таълим муассасасининг 40 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

Байрам тадбирлари доирасида олимпия коллежи ташкил топгани-нинг 40 йиллигига бағишланган ил-мий-амалий анжуман ўтказилди, унда республикада спорт ривожлани-ши борасида эришилган ютуқлар таҳлил қилинди. Сўнг коллеж ўқув-чилари ва ётақчи санъаткорлар иш-тирокида қизиқарли концерт дасту-ри, ушбу масканда таълим олаётган ёш спортчиларнинг кўргазмали чи-қишлари уюштирилди.

Коллежда — байрам

тантаналари

Шаҳримиздаги республика олимпия заҳиралари коллежи мамлакатимизда спортни ривож-лантириш, олимпия ҳаракати ва унинг гоиларини кенг ёйиш бора-сида кенг кўламадаги фаолиятни амалга ошириб келади.

Халқимиз коллежда таълим олган Лина Черязова, Оксана Чусовитина, Дилшод Орипов, Аҳтам Очилов, Аб-дулла Тарниев, Розалия Галиева каби Олимпия ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатларининг голиб ва совриндорлари билан фахрланади. Бу муваффақиятлар ортида Исқо Тошмуҳамедов, Шавкат Турдиқулов, Гурам Дараселия, Владимир Шари-

XXI аср содоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсаройда АҚШ Сенатининг Разведка бўйича қўмитаси раиси ўринбосари Ричард Шэлби раҳбарлигидаги Конгресс делегацияси аъзоларини қабул қилди.

• Мамлакатимизда таширф буюрган АҚШ Сенатининг Разведка бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари Ричард Шэлби раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва мудо-фаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди. АҚШ делега-цияси Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хиз-мати ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

• **Кеча** Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Итали-янинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда шу мамлакатнинг Ташқи савдо институти ҳамкорлигида хусусий ва давлат кор-хоналари менежерлари учун халқаро семинар бўлиб ўтди.

• **Кеча** Қаршида экология ва саломатлик минтақа му-аммоларига бағишланган анжуман ўз ишини бошлади.

• Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эпидемиология ва санитария институти олимларининг етти йиллик ишлари-лари шарофати билан «Бекит-М» препарати яратилди. У ошқозон-ичак хасталикларини даволашда қўлланади.

• **Бугун** Миллий матбуот марказида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти нишондори, «Буюк хизматла-ри учун» ордени соҳиби Ўткир Хошимов ҳаёти ва ижоди-га бағишлаб «Ўзбектефильм» студиясида яратилган «Ўткир Хошимов» номли ҳужжатли фильмининг тақдирот ма-росими бўлиб ўтди.

• **Эртага** Фавкуллода вазиятлар вазирлиги Фуқаро му-ҳофазаси институтида «Аҳолининг фавқулодда вазиятлар-да тўғри ҳаракатини таъминлаш» бўйича тайёрланган ўқув қўлланмалари ва плакатларининг тақдирот маросими ўткази-лади.

• **Индига** пойтахтимиздаги Замонавий санъат мар-казида америкалик расом Жозел Мееровичнинг 11 сентябрь фожевий воқеаларига бағишланган фотокўргазмаси очи-лади.

• Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъат тарихи музейида немис мусаввири Вольфганг Киманнинг асарлари кўргазмаси очилди.

Жаҳонда

• **Бугун** Байрутда Араб давлатлари лигаси раҳбарла-рининг учрашуви очилди. Унда Исроил ва Фаластин мо-жароларига барҳам бериш бўйича Саудия Арабистони ил-гари сурган янги тинчлик тақлифлари муҳокама этилади.

• Исроил Вазирлар Маҳкамаси Ариэль Шарон раисли-гида ўтказилган мажлисда АҚШнинг Яқин Шарқдаги ваки-ли Энтони Зинни томонидан тақлиф этилаётган Исроил ва Фаластин можароларига барҳам бериш ҳақидаги тинч-лик режаси маъқулланган.

• Апрель ойининг бошида Италия вазирлар кенгаши ра-иси Сильвио Берлускони расмий таширф билан Россияга келади. У Россия Федерацияси Президенти Владимир Пу-тин билан музокаралар олиб боради.

• Буюк Британиянинг Афғонистондаги тинчликпарвар контингенти қўмондони Рожер Лейнинг маълумотига кўра, британиялик аскарлар Афғонистонга ақин 10 кун ичида етиб келади ва апрель ойининг ўртасидан бошлаб ҳарбий ама-лиётларда иштирок эта бошлайди.

• Афғонистон Ички ишлар вазирлиги мамлакатда, то-либлар ҳукмронлиги даврида берилган паспортларнинг бекор қилинишини эълон қилган. 1996-2001 йилларда тарқатилган паспортлар олиб қўйилиши Афғонистон фука-роси бўлмаган халқаро террорчиларни аниқлашда ёрдам беради.

• **Кеча** Афғонистон шимолида Рихтер ўлчови бўйича 6 балл куч билан ер силкиниши содир бўлди. Шунинг оқиб-атида мингга ақин киши қурбон бўлган, яна 2 минг киши бедарак йўқолган. Нахрин шаҳри буткул вайронага айлан-ган.

• **Кеча** Брюсселда Россия ва Европа Иттифоқи ўртаси-даги музокаралар бошланди. Унда дегагетели кучли шовқин таратадиган самолётларнинг худудлардан парвоз қилишини тақиқлаш масаласи кўрилди. Россия Федераци-ясининг қарийб барча авиасаройлари ана шундай тақиқлашга тушмоқда. Виктор Христенко бошчилигидаги делегация муросаи мадора қарорини топиш режасида.

• Дунёдаги энг кучли йигирма нафар теннисчи сираси-га кирувчи ўзбекистонлик ракетка малаikasi Ирода Тўла-ганова АҚШнинг Ки-Бискейн шаҳрида ўтказилаётган со-вин жамғармаси 2 миллион 820 минг АҚШ доллари бўлган «Nasdaq -100 Open» турнирининг тўртинчи даврасига йўлланма олиб турнирнинг навбатдаги босқичида жаҳон-нинг биринчи ракеткиси — америкалик Женифер Капри-атига қарши қорғта чиқади.

• Шу йилнинг 29 — 30 март кунлари Шри-Ланка пойтах-ти Коломбода ўзбек кураши бўйича 1 Халқаро турнир бўлиб ўтади. Ушбу мусобақада Ўзбекистон, Эрон, Сингапур, Шри-Ланка, Хиндистон, Индонезиядан полвонларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

ИЖТИМОИЙ ХИМОЯ

Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси

Хозирги кунда «Ўзулгуржисавдо» акционерлик компаниясига қарашли ўн битта очик, битта ёпиқ акционерлик жамиятлари, ўнлаб масъулияти чекланган кичик шўба корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Акционерлик компаниямиз ва унинг ташкилотларида давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари Марказий кўмитаси, тармок шахар кўмиталарининг тавсияномаларига асосланган ҳолда бир тармок битими, 9 та жамоа шартномаси ишлаб чиқилган ва меҳнаткашларнинг умумий йиғилишларида 2000-2002 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган.

Маъмур битим ва жамоа шартномаларнинг бандларига махсус тadbирлар киритдик. Шу билан биргаликда тизимдаги барча меҳнаткашларнинг айниқса, ишчи-хизматчи хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш, белгиланган имтиёзларнинг бажарилиши мақсад қилиниб, қасабақўмлар зиммасига юклатилган.

Ўтган йили тизим ишчи-хизматчилари халқ ҳўжалигига керакли махсуслотларни етказиб беришда, объектларни бутлаш ва таъмирлаш ишларида ўз ҳиссаларини қўшди. Ўзига эса ишчи-хизматчиларимиз ўз вақтида ойлик маошларини олмоқдалар. Муқофотлар қабул қилинган низоми асосида тақсимлаб берилмоқда. Йил якуни бўйича тўхтайдиган бўлсак, ойлик иш ҳақларидан ташқари ходимларга 16913,1 минг сўм моддий ёрдам пули берилди. Овқат пули эса 15602,3 минг сўми ташкил қилди. Ишга бориб-келиш учун сарфланган йўл харажатларига 5385,7 минг сўм тоовон пули корхона ҳисобидан тўланди. Ишчи-хизматчиларнинг сўхат-саломатлигини яхшилаш ва тиббий хизматлар кўрсатилиши учун 2692 минг сўм сарфланди. Ўн учинчи маош қилиб ходимларга 3835,9 минг сўм тақсимида.

Қўйи ташкилотлардаги жамоа шартномаларининг бандларидан кўринадиги, «Ўзметаллсавдо» акционерлик жамиятида фарзандларини ёлғиз тарбиялаётган аёлларга 55 минг сўм моддий ёрдам, болалари 14 ёшга бўлган ходимларнинг 78 нафари фарзандларига 117 минг сўмлик совға, 2001 йилда пенсияга чиққанлар ва юбилей тантаналари учун 390250 сўм ажратилган. Барча ишлаётган ходимлар Мустақиллик куни байрами муносабати билан 1580 минг сўм муқофот пули, 38 нафар аёл ишчи-хизматчилар йилда бир мартаба жами 352 минг сўмлик совғалар билан тақдирландилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги тadbирлари учун эса 1617675 сўмлик маблағ ажратилди. Махсус тadbирлар билан пенсиядаги меҳнат фахрийлари ва оталиққа олинган 243-ўрта мактабга имкони бори-ча ёрдам бериб келмоқдалар.

«Ўзэлектрокабелсавдо» акционерлик жамиятида ҳам икки томонлама шартноманинг махсус бандлари бўйича байрам совғаси тайёрлаш аънаънага айланиб қолган. Масалан, йилнинг бошланғичида ҳар бир ходимга ўтган йили 7500 сўмдан озиқ-овқатдан иборат совға берилган бўлса, бу йил 7900 сўмни ташкил қилди. Корхонада яна бир яхши тadbир борки, керакли мутахассис шартнома асосида тўлов қиймати-нинг 50 фоизи корхона ҳисобидан тўланиб ўқитилмоқда. Маданий дам олиш ишлари ҳам тadbир асосида ўтказилиб, йил давомида ходимлар уч марта театрларга бордилар. Фарзандлари эса цирк томошалари, театрларда сахна асарларини кўриб, совғалар билан қайтидилар.

Тизимда ишчи-хизматчиларнинг фарзандларини ҳам соғломлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Масалан, Тошкент вилоят Бўстонлик туманидаги Хондайлик қишлоғида «Нилуфар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд. Оромгоҳда ҳар йилги мавсумда 750 нафар мактаб ўқувчиси ўз таътилларида ўтказиладилар. Ўтган йили оромгоҳимизда тизимдаги ишчи-хизматчиларнинг фарзандларидан ташқари тармокдаги ходимларнинг фарзандларидан 328 нафари, Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот, Шуманай, Ҳўжайли туманларидан, Нўқсонда ҳамда Меҳрибонлик уйлариининг тарбияланувчиларидан жами 211 нафари ўз таътиллари кўнғилдагидек ўтказиладилар.

Шу билан биргаликда касаба уюшма кўмиталаримиз ҳўжалик раҳбарларнинг ёрдамида жойларда оммавий, маданий-маърифий ишларни уюштиришда ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.

Рўзали СУЛАЙМОНОВ, «Ўзулгуржисавдо» акционерлик компанияси бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси.

Жамоа шартномаси асосида

Намунали хизмат кафолати

Маълумки, хозирги кунда банк тизими мустақил республикаимизнинг иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Бу эса аввало банк ходимлари зиммасига муҳим вазифаларни юклайди. Замонавий банк ходими ўз соҳасини яхши эгаллаган юқори малакали мутахассис, чуқур билимли ва юксак маданий соҳиб бўлмоғи керак.

«Ғаллабанк» республика акциядорлик тижорат банкининг бошқаруви касаба уюшмаси кўмитаси банк ходимларининг касбий билим ва малакаларини ошириш, моддий рағбатлантириш, маданий дам олишлари ва фаол меҳнат қилишлари учун яхши шaroитлар яратиб бериш бўйича олиб бораётган ишларида раҳнамодир. Бунга эришишда «Ғаллабанк» РАТБда кенг ва серкира тadbирлар режаси, дастурлар ишлаб чиқилган. Бу ишларда касаба кўмитасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлардан банк ходимларини баҳраманд қилиш, ходимларнинг маданий ҳордик чиқариши, жисмоний тарбияси учун шaroит яратиш, меҳнат муҳофазаси масалалари касаба уюшмаси кўмитаси серкира фаолиятидаги вазифаларнинг бир қисми ҳолос.

Ўзбек халқи миллий аъналарига бой халқдир. Аъналаримизни кадр-

лаш, уларга замонавий руҳ бағишлаш, ижодий ёндошиш хозирги кунда «Ғаллабанк» касаба уюшмаси кўмитасининг иш фаолиятидаги асосий йўналишлардан биридир. Банк ходимлари ўртасида уларнинг касбий билим ва малакаларини оширишга қаратилган «Энг билимдон ва энгил қасир», «Зуқко ва замонавий банк ходими» каби мавзуларда танловлар ўтказиб турилади. Ходимларнинг ақлиқса ёшларнинг говий-сиёсий онгини ўстириш, янги қонунларни ўрганишга ҳам катта эътибор берилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ким яхши билади» мавзусида ўтказилган қўрик-танловда банкимизнинг деярли барча ёшлари иштирок этидилар. Банкда бир неча йил давомида банк ходимларининг фарзандлари ўртасида 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишлаб «Она-Ватан болалар нигоҳида» расмлар кўриги, бадий ҳаваскорлик бўйича қўрик-танловлар ва шахмат ҳамда шашка бўйича мусобақалар

ўтказиб борилади. Ўтган йилда ҳам бу аънаъна давом эттирилди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

«Ғаллабанк» республика акциядорлик тижорат банкида маънавий-маърифий ишларга ҳам катта эътибор берилади. Ходимларнинг олимлар ва журналистлар билан учрашувлари ҳам яхши аънаъна тусига кирган. Жумладан, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директорининг ўринбосари Д. Холиқов иштирокида «Оила тарбия таянчи» ва «Гивандлик давр офати» мавзусида, «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармасининг раиси Наим Каримов иштирокида «Дилдаги армонлар» мавзусида, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг кафедра мудири, тарих фанлари доктори М. Исоқов иштирокида «Илдизларнинг қайида Наврўзим» мавзусида ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси А. Навоий номидаги тил ва адабиёт институтининг ходимлари иштирокида Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган давро сўхбатлари ўтказилди. Бу каби сўхбатларда давримизнинг долзарб муаммолари ҳақидаги фикрлар

айниқса ёшларда қизиқиш уйғотди.

2002 йили — Қарияларни қадрлаш йилида банк ходимларининг ота-оналари иштирокида учрашув ўтказиш, кичик кўрик ташкил этиш, ғолибларга махсус совғалар тақдим этиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Ҳар бир банк ходимининг ота-онаси ушбу учрашувда қатнашиб, ўз фарзандларининг иш фаолиятидаги ютуқлари билан танишиди. Ота-она учун фарзанди тўғрисида бундай маълумотларни билишдан ортқ бaxт бўлмаса керак.

Спорт-соғломлаштириш соҳасида эса банк ходимлари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Жамоамиз аъзолари Республикаимиз иқтисодини юксалтириш йўлида банкимизнинг алоҳида ўрин эгаллаш йўлида ўз билимларини, меҳнатларини сафарбар қилгандилар.

Феруза ХУСНИДИНОВА, «Ғаллабанк» иқтисослаштирилган Республика акциядорлик тижорат банки касаба уюшма кўмитасининг раиси.

СУРАТДА: «Ғаллабанк» РАТБда шахмат мусобақалари ўтказилмоқда.



«Сендан угина...»

Халқимизда «Сендан угина, мендан бугина» деган ажойиб нақл бор. Ушбу ибора йиллар эътибиди, ўз кадрини йўқотмайди. Уни бугунги кунга татбиқ этадиган бўлсак, коммунал соҳада хизмат кўрсатувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларга ҳам тўғри келади. Негаки кўпчилик ҳамшаҳарларимиз кейинги пайтларда бу иборани унутиб «угинадан» — коммунал хизматлардан беминнат фойдаланишди-ю «бугина», яъни ҳақини тўлашга келганда пайсалга солишади.

Ана шундайлар пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасидаги кўп қаватли уйларда яшовчилар орасида ҳам анчагина. «Ғалабанинг 40 йиллиги-2» даҳасидаги 9-уй, 46-хонадонда яшовчи А.Азимов 169190 сўм, 1-уй 35-хонадондан М.Нуриллаева 120095 сўм, 5-уй 25-хонадондан Хушаназарова 94308 сўм қарзларини тўламай юришибди. «Ғалабанинг 40 йиллиги-3» даҳасидаги 22-уй, 26-хонадон эгаси А.Валиев ҳамда 15-уй, 17-хонадон соҳиб Т.Абабевларнинг 170 минг сўмдан ортқ қарзлари бўла туриб, 2000 йилдан бери уни узишни

хаёлларига ҳам келтиришмаганига ҳайрон қоласиз. Уларнинг баҳонау важа-ри эса ўринсиздир.

Сергеи туманининг «Дўстлик-2» даҳасида тўловларни бажармасликда «рекорд» ўрнатаётган, уйига бorganин-гизда эса ҳатто эшигини ҳам очмайди-ган қарздорлар билан ҳам танишиб қўйсангиз ёмон бўлмайди. Зора улар ўз номларини қийиб уялишса, бурчларини яна бир бор англаб қўйишса. 23-уйнинг 26-хонадонда истиқомат қилувчи Аҳмедова 192 минг сўм, 9-уй, 17-хонадондан Абдуллаев 178 минг сўм, 1-уй 90-хонадонда яшовчи Одилхон 136 минг

ТўЛОВЛАР

сўм, шу уйнинг 19-хонадондан Тўлаганов 110417 сўм, 24-уй, 70-хонадон эгаси Акбаров эса 107275 сўм қарздордирлар. Уларнинг ким узагга уяйнаётган му-собакаси қонун ҳимоячилари томонидан якунини топиши, шубҳасиз.

Яққасарой туманининг Бобур қўчасида жойлашган кўп қаватли уйларда ҳам 2000 йилдан буён қарзлари қундан кунга ортиб бораётган истеъмолчилар уч-райди. Уларнинг ўзлари бундан хабар-дор, албатта. Биз эса қарздорларнинг номларини келтириб, яна бир бор эс-латиб ўтишни лозим топдик. 8-уй, 18-хонадондан Г.Смирнова 86100 сўм, 10-уй, 41-хонадонда яшовчи Г.Жалолова 73600 сўм, 26-уй, 3-а» хонадон соҳи-би М.Зиёев 62500 сўм, 24-уй, 5-а»-хо-надонда яшовчи Сатторов 57 минг сўм қарзларини тўлаб қўйишса ўзлари ва қўни-қўшнилари учун ҳам фойдадан холи бўлмасди. Чунки ҳадемай келгу-си йил мавсумига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилади. Бунинг учун эса энг муҳими — маблағ масаласидир. Иста-рдикки, бир-иккита хонадон эгаларининг қасри бутун уйга урмасин.

(Ўз муҳбиримиз)

✓ ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Солиқ тўлаш — фуқаролик бурчимиз

Белгиланган солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаш давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституцияда мустақамланган мажбуриятлардан биридир. Зеро, давлат хазинаси (бюджети) солиқлар ёрдамида тўлдирилади, тушган маблағларнинг асосий қисми эса ижтимоий соҳаларга сарфланиб, аҳолининг зарур талаб-эҳтиёжлари қондирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида Президент Исро Каримов жумладан солиқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар домида солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, махсусот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, аксинча уни рағбатлантириши зарурлигини таъкидлаб ўтган эди.

Лекин баъзи кишиларнинг тушунчаси етарли эмаслиги, масъулиятсизлиги оқибатида Конституциянинг солиқ борасидаги талаблари маълум маънода бажарилмасдан келмоқда. Рўйхатга турмасдан тadbиркорлик билан шугулланиш, даромадни яшириш, савдонинг белгиланган тартибини бузиш каби ҳолатлар шулар жумласидандир.

Юқорида кўрсатилган иллатларга барҳам бериш мақсадида 2001 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни қучайтириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва жойларда унинг бўлимлари ташкил қилинди. Бизнинг Акмал Икромов туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи Хусан Аҳмедов билан сўхбатимиз ҳам Департаментнинг асосий мақсад ва вазифалари, бўлим томонидан ўтган вақт ичида амалга оширилган ишлар ҳусусида бўлди.

— Хусан Шавкатович, айтингчи, солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлимлари қандай вазифаларни амалга оширади?

— Солиққа оид жиноятлар ва қонун бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва бартафат этиш, солиқ сибасати амалга оширилишини таъминлаш, унга тортиш базаларини кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг қамраб олиниши ва ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш, нақд пул маблағлари муомалада бўлиши белгиланган тартиби бузилишларининг олдини олиш асосий вазифаларимиз қаторига киради. Бундан ташқари ходимларимиз солиқларни тўлашдан бош тортиш, яширин иқтисодиётнинг шаклланиш йўллари аниқлашга йўналтирилган самарали тезкор — таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш билан шугулланишда.

Солиққа оид қонун бузилишларининг олдини олиш ва бартафат этиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш бўйича тақдирлар тайёрлаш, кишиларнинг ҳуқуқий онгини мустақамлаш, фуқароларда иқтисодий фаолият ва солиқ сибасатини амалга ошириш соҳасидаги конституциявий меъёрлар ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларини бажаришининг зарурлиги тушунчасини шакллантириш, аҳолида солиқларни тўлашдан бош тортиланг, иқтисодиёт, солиқ соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги тушунчасини тарбиялаш фаолияти билан ҳам шугулланамиз. Шунинг таъкидлаш кераки, Департамент ва унинг жойлардаги бўлимларининг фаолияти кўриб чиқилган ва қўзғатилган жиноят ишларининг сонига эмас, балки энг аввало профилактика ишларининг самарадорлиги ва ундирилган зарар миқдорига қараб баҳоланади.

— Ўтган нисбатан қисқа муддат ичида Акмал Икромов туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа қарши курашиш бўлими томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

— Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш мақсадида Акмал Икромов туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан 2001 йил 6 июлдан бугунгигача қадар 41 та текширувлар ўтказилиб, иқтисодиёт ва солиқ соҳасида жиноятлар содир қилган шахсларга нисбатан жами 18 та жиноят ишлари, 28 та маъмурий ишлар қўзғатилиб, тегишли чоралар қўрилди.

Қўзғатилган жиноий, маъмурий ва жиноят иши қўзғатиш-ни рад қилиш бўйича давлат бюджетига 12.158.800 сўмлик солиқлар қўшимча ҳисобланган, молиявий ва маъмурий жарималар қўлланилган бўлиб, шундан 4.304.400 сўми ундирилган, қолган ҳолатлар бўйича эса тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда. Юқоридаги ишлар бўйича жами 72.888.200 сўмлик моддий-товар бойликлар масала қонуний ҳал этил-гунга қадар олиб қўйилган бўлиб, унинг тегишли қисми дав-

✓ САЛОМАТЛИК

Хасталикдан сақланиш йўллари

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, сўнгги йилларда дунёда сил касаллиги фақатгина ривожланмаган мамлакатларда эмас, балки тараққий этган мамлакатларда ҳам кўпаймоқда. Урта ҳисобда ҳар йили 8-10 миллион киши силнинг фаол тури билан касалланаётган бўлса, улардан 3 миллионининг қисмати ўлим билан тугамоқда. Касалларнинг 80 фоизи аини 15-39 ёшга чиққан, меҳнат ёшидагилар бўлиб, улардан ярмини аёллар ташкил этади. Бинобарин ҳар йили 24 марта кунининг Бутунжаҳон силга қарши курашиш кунини деб белги-лангани ҳам бежиз эмас. Бизнинг тиббиёт фанлари номзоди Шавкат Раҳмонов билан сўхбатимиз шу хасталик ва ундан сақланиш йўллари ҳусусида бўлди.

— Сил касаллигининг ки-шилар ҳаётига бунчалик қат-тигав ҳолатларда, баъзи овк-атларда ўзининг яшаш қоби-лятини бир йилгача, китоб ва дафтар варақларида эса 3-4 ойгача, кўча, ҳовли чанг-ларидан 8-12 кунгача сақлаб, ка-саллик қақариш қобилиятини саклайди. Вақт ўтиши билан атроф-муҳитга тарқалган мик-роблар чанг билан юқориға кўтарилиб ҳаво билан ўпкаға ёки ифлос қўл, яхши ювил-маган сабзавот-мевалар, яхши пиширилмаган сут ёки унинг махсуслотлари орқали оғиздан кириб касалликни қақиради. Бемор киши юқорида санаб ўтилган сил касаллик юқишига мойил одамлар билан, аинқаса бо-лар билан яқин мулоқотда бўлганда, уйнаганда, ўпганда сил касаллигининг юқиши юқори бўлади. Ёш болалар-га сил билан оғриган она бо-ланинг юзини ва бурнини ўз дастурмоли билан артганда, ўз қароватида олиб ётганда ёки бола эмалаб юрганда сил касаллигининг юқиши юқори бўлади. Ёш болалар билан ифлослана-ди ва бармоқларини оғизига олиб бориб сўрганда касал-ланиши мумкин.

Атрофдаги соғлом киши-ларга сил касаллигининг юқишини қамайтириш учун силнинг очик тури билан оғриган беморларни илоҳи борица алоҳида ётиши, ўрин-қўралари, соқилари, тиш қўчқалари ва идиш-товокла-ри алоҳида бўлиши зарур. Агар бемор учун алоҳида хона ажратишнинг илоҳи бўлмаса, бемор ётадиган, ўтирадиган жой кўча парда билан тўсиб қўйилганлиги маъқул. Шун-дай қилганда бемордан ат-роф-муҳитга ажратилган ту-пик зарраларидаги микро-блар узоққа тарқалмайди. Бе-мор кўпчилик учун мўлжал-ланган диван-креслоларда, қушеткаларда ётиши асло мумкин эмас.

Силнинг очик тури билан оғриган бемор ётадиган хона-ни тез-тез шамоллатиб ту-риши, йилнинг иссиқ фаслида эса дераза ёки тўйнуқ доимо очик туриши лозим. Хона ва деворнинг пастки қисми му-таазам равишда ҳўл латта би-лан (дезинфекцион суюқлик-лардан кенг фойдаланилган ҳолда) йиғиштирилади, чанг ва ташландиқлар ўз вақтида йўқотилади. Бунда чангпогит мосламасидан фойдаланилса янада яхши бўлади. Бемор шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиши керак: йўталганда оғиз-бурнини чап қўл қатдини орқаси билан беркиртиши, бадан ва қўл-ларини тоза туттиши, тирноқла-рини доимо қирқиб юриши, ич қийим ва ўрин-қўраларини ўз вақтида алмаштириб туриши, қийим-кечакларини хонада қўқиши мумкин эмас.

Ечилган қийим-кечаклар-ни ва идиш-товокларини ал-салиқни қайнатиш керак. Қайна-тиб бўлмайдиган буюмлар 3-фоизли хлорамин эритмасида да бир неча соат ивителиб, сўнг илиқ сувда ювилиши керак.

Сил касаллигининг аинқ-са болаларда олдини олиш

лат ҳисобига мусодара қилинган ҳамда бўлим томонидан 353.565.500 сўмлик ноқонуний нақд пул айланмалари аниқ-ланиб, ушбу ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилган.

Масалан, ҳусусий тadbиркор М. ўзининг тadbиркорлик фа-олияти давомида 271084.3 минг сўмлик савдо қилиб, тушган пуллари назорат-касса машинаси хотирасига киритмаган-лиги ва банка инкассация қилмаганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддаси, 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Ёки Акмал Икромов туманида истиқомат қилувчи фуқаро Н. ўз турмуш ўртоғи билан ҳеч қандай давлат идораларидан рўйхатдан ўтмаган ҳолда санитария-гигиена талабларига жа-воб бермайдиган қолбаса махсуслотларини тайёрлаб сотаёт-ганилиги аниқланган ҳамда 470 дона қолбаса махсуслотлари, 1000.0 минг сўмлик ишлаб чиқариш мосламалари вақтинча олиниб, қонунбузарларга оид барча материаллар маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

— Кўпчилик кишиларнинг ўйлашича, прокуратура идоралари фақат жазолаш вазифалари билан, яъни жиноятчи ва ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва уларни жазо-га тортиш билан шугулланади. Аслида, прокуратуранинг фаолияти фақат шундай иш билан чекланмайди-ку?

— Дарҳақиқат, прокуратура ходимлари жиноятчи ва ҳуқуқбузарлар билан курашишлари керак. Бирок, бизнинг асосий вазифамиз фақат шу билан чекланмайди. Прокурату-ра идоралари ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалдаги қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошир-ган ҳолда биринчи навбатда жиноятчилик ва қонунбузарлик-ларнинг олдини олишга сафарбар этилган. Шу сабабдан биз фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари, тушунчаларини ошириш, қонунга итоат этувчи фуқароларни тарбиялашга қаратилган кенг қўламдаги профилактика ишларини амалга ошира-миз. Чунончи, туман солиқ идораси билан ҳамкорликда корхона-ларда, ташкилотларда, маҳалаларда ҳамда кенг омма ўрта-сида Департаментнинг асосий вазифалари сифатида белги-лаб қўйилган солиқ қонунчилиги бўйича аҳолининг ҳуқуқий онгини кенгайтириш солиқ соҳасидаги жиноятлар учун жа-зонинг муқаррарлигини тушутириш бўйича кенг қўламдаги ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришмиз, аҳоли, тadbир-корларни қизиктирган саволларга жавоб беришмиз. Бу про-куратура идоралари шугулланаётган «шов-шувли» жиноят ишлари билан солиштиришда унчалик кўзга кўринмаса-да, унинг самараси юқоридир. Зеро, ривожланган мамлакатлар амалиётининг кўрсатишча — фуқароларнинг ҳуқуқий онги қанчалик юқори бўлса, жиноятчилик даражаси ҳам шунча-лик паст бўлади. Ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида биз айнан ана шунга интилаймиз. Ўйлаймизки, вақти келиб шунга эри-шамиз ҳам.

(Ўз муҳбиримиз).



© 2000 Blackwell Science Ltd *Journal of Internal Medicine* 247: 399–406